



# МИНТАҚАНИНГ ЭНГ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ТАДБИРИ

минглаб хорижлик ишбилармонларни Тошкент шаҳрида жамлади

Жорий ҳафта мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим паллага айланди. Пойтахтимиз Тошкент халқаро инвестиция форумининг бешинчи — юбилей тадбирларига мезбонлик қилмоқда. Йирик халқаро анжуман бу йил ҳам минглаб хорижий меҳмонлар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган 4 мингга яқин делегат, жаҳоннинг машҳур компания ва брендлари, йирик бизнес эгалари ҳамда инвесторларни бир майдонга жамлади. Тошкент шаҳрида 16-18 июнь кунлари бўлиб ўтган форумнинг расмий тадбирлари ўз ишини муваффақиятли якунлади.

Бугун мазкур нуфузли анжуман нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий жозибадорлигини намоён қилаётган йирик иқтисодий тадбир сифатида эътироф этилмоқда. Ўтган беш йил давомида халқаро форумнинг кўлами, нуфузи, иштирокчилари сони ва



унда имзолаётган лойиҳалар қиймати ошиб бораётгани бунинг яққол исботи. Иштирокчи компаниялар қаторидаги BlackRock, JPMorgan Chase, Citibank, Visa, Franklin Templeton, Airbus, Coca-Cola каби машҳур брендлар номларининг ўзиёқ форумнинг жаҳон майдониди аҳамиятини намоён этмоқда.

Ҳар йили ушбу анжуманга юқори даражада тайёргарлик кўрилатгани боиси шунда. Ахир минглаб хорижлик инвесторлар шунчаки келмайди, улар янги ҳамкорлар топиш, истиқболли лойиҳаларга сармоя киритиш, иқтисодий манфаатдорлик истасида. Асосийси, бунга уларнинг ишончи баланд, имкониятларни аниқ кўра оляпти.

Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган иқтисодиёти, фаол ривожланаётган соҳалар, йирик ислохотлар ҳамда инвесторлар учун яратилган имконият ва қўлайликлар уларни мамлакатимиз томон фаол қорламоқда.

► Давоми 3-бетда



## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ СОҒЛОМ ЭКОТИЗИМГА ТАЯНАДИ

Дунё бугун технологиялар тезлиги ва табиат ўртасидаги қарама-қаршилиқни аввалгидан кўра аниқроқ ҳис этмоқда. Бир томонда, инсоният тарихида илк бор сунъий интеллект қарор қабул қилаётган, саноат тизимлари тўлиқ рақамли бошқарувга ўтаётган, космик технологиялар галактика чегарасигача етган давр шаклланди. Инсон меҳнатининг унумдорлиги, маълумот айланиш тезлиги ва иқтисодий жараёнларни моделлаш имкониятлари ҳеч қачон бу даражага етмаган. Тараққиёт ташқи кўринишда мукамал тизим сингари намоён бўлмоқда.

Бироқ айнан шу тизим ичида сезилмаётган, аммо таъсири кучайиб бораётган ички чекловлар пайдо бўлмоқда. Сув ресурслари камаймоқда, ер унумдорлиги пасаймоқда, музликлар тезроқ эримоқда. Илгари илмий ҳисоботлар ва узоқ муддатли таҳминлар доирасида муҳокама қилинган бу жараёнлар бугун иқтисодий қарорлар учун бевосита чекловга айланди. Айрим ҳудудларда сув танқислиги ишлаб чиқариш қувватини белгилаб бермоқда, бошқаларида эса қишлоқ хўжалиги моделини тўлиқ қайта қўриб чиқишга мажбур қилмоқда.

Энг оғир муаммо шуки, бу жараёнлар бир-бирдан алоҳида эмас. Иқлим ўзгариши, энергия хавфсизлиги, озиқ-овқат бозорлари ва геосиёсий рақобат бир нуқтада туташмоқда. Шу боис, глобал кун тартибда асосий масала фақат иқтисодий ўсиш суръати бўлиб қолмай, ресурслар чекланган шароитда барқарорликни сақлаб қолиш имкониятига айланди.



### Мулоҳаза

Айрим таҳлиллар бу босқични ривожланишнинг синови дари сифатида баҳоламоқда.

Марказий Осиё ушбу глобал зиддиятнинг кескин нукталаридан. Минтақа тарихан сув оқимлари, музликлар ва ер ресурсларига таянган цивилизациялар макони бўлган. Дарёлар атрофида шаклланган шаҳарлар ва қишлоқ хўжалиги тизими асрлар давомида барқарорлик манбаи бўлиб келган. Аммо бугун айнан шу табиий асослар ўзгариш босими остида қолмоқда. Музликларнинг қисқариши, қўланишнинг кенгайиши, ер унумдорлиги пасайиши ва сув тақчиллигининг кучайиши алоҳида экологик ҳолат бўлиб қолмай, иқтисодий тизимни қайта шакллантираётган омилдир.

Бу жараённинг ижтимоий оқибатлари ҳам сезилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги барқарорлик пасайиши, иш ўринлари ва даромад манбаларига босим, шаҳарларга миграция оқимининг кучайиши каби тенденциялар минтақавий мувозанатни ўзгартирмоқда. Экологик муаммо энди табиат билан чекланмаган, у тўғрисида тўғри ижтимоий структура таъсир кўрсатуви омилига айланган.

► Давоми 4-бетда



### Нуқтаи назар

## ҚАТЪИЙ ИРОДА ВА ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Дунё ҳамжамияти диққат эътибори шу кунларда яна бир бор Ўзбекистонга қаратилди. Тошкент ривожланган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, йирик халқаро компаниялар вакиллари, ишбилармонларни бир давра атрофида жамлаган жаҳоннинг ўзига хос инвестиция пойтахтига айланди. Тошкент халқаро инвестиция форуми кўлами ва салоҳияти, барқарор ишончга асослангани ва инсониятнинг келажак тараққиёти учун тутган аҳамияти билан тарихга муҳрланмоқда.

Жаҳон иқтисодий конъюктураси мутасил ўзгариб бораётган, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини прогноз қилиш жуда қийин бўлган бугунги даврда дунёнинг кўзга кўринган йирик инвесторларини бир даврада йиғиш, жозибадор тақлифлар билан уларни жалб этиш осон иш эмас. Буни биргина форум ёки халқаро анжуман ташкил этиш билангина уддалаб бўлмайди. Бу узоқ йиллик стратегияни кўзлаган машаққатли меҳнат, кучли сиёсий ирода, аниқ натижаларга асосланган кўп векторли ислохотлар ва келажакни кўра олиш сингари қатъий омилларга асосланади.

Шу маънода, Тошкент халқаро инвестиция форумининг аҳамияти нафақат Ўзбекистон ёки минтақа, балки бутун дунё миқёсидаги йирик ўзгаришларда нақадар катта ўрин тутишини англаш учун ўн йил олдинги ҳолат билан бугунни таққослаш, қандай мақсадлар қўйилганини, бугун улар қанчалик натижа бераётганига эътибор қаратишимиз зарур.

### “Бино”нинг мустаҳкам пойдевори

Устачилиқдан хабари бор ҳар қандай инсон яхши билади: мўрт ёки ҳаминқадар пойдевор устига янги қурилиш қилиб бўлмайди. Ҳар қанча безатилмасин, пойдевори мустаҳкам бўлмаган уйда яшаш хавfli бўлиб қолаверади.

Ўзбекистонда бундан ўн йил илгари бошланган ислохотлар, ҳатто тасаввуримизда ҳам гўё етиб бўлмайдиган марралар, мамлакат ҳаётдаги барча соҳаларда бошланган туб янгиланишлар қандай мақсадларни кўзлагани, нима натижалар беришини, очиги, кўпчилигимиз мана энди-энди англаб етаямиз.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсири, жаҳон бозоридаги беқарорлик, сиёсий амбициялар, турли урушларнинг охири кўринма-япти. Шундай бир шароитда дунёга бағрини очган ҳолда, ўзаро дўстлик ва ҳамкиҳатликка асосланган тараққиёт йўлини тақдим этиш орқали Ўзбекистон ишончли пойдевори яратди олди.

► Давоми 2-бетда



### Муносабат

## ТАРАҚҚИЁТГА ИШОНЧ БЕЛГИСИ

Инвестиция тўғри ва аниқ мақсадга йўналтирилса, катта ўзгаришларга сабаб бўлади. Қурилиш майдонлари жонланади, ишлаб чиқариш кенгайди, минглаб одамлар иш топади. Экспорт йўлаклари очилади... Шу тариқа иқтисодиёт барқарорлиги таъминланади.

Бу жараён бугун Ўзбекистонда кечаётган ислохотларнинг асосий ва устувор йўналишига айланган. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкентда биринчи марта ташкил этилган форумда инвесторлар ўзларининг қатор ғоялари билан иштирок этган. Вақт ўтиб, ўша ғоя келишувга, келишув лойиҳаларга айланди. Шу маънода, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур йирик анжуман нафақат рақамлар ва шартномалар майдони, балки ишончнинг йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётган далилидир. Ишончга эса бир

кунда эришиб бўлмайди. У йиллар давомида аста-секин шаклланади.

2016 йилгача мамлакатимиз иқтисодиёти ёпиқ эди. Валюта конвертацияси чекланган, хусусий тадбиркорликка маъмурий босим кучли, давлат монополиялари иқтисодиётнинг асосий томирларини ушлаб турарди. Бундай шароитда хорижий инвестор учун Ўзбекистон ҳаритада мавжуд, лекин амалда етиб бўлмас бир жой эди. Ишонч муҳитини яратиш, аввало, ана шу оғир даврни тан олишдан ва у билан очикчасига ҳисоблашишдан бошланди.

► Давоми 2-бетда

# РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИК

Замонавий шахсининг асосий кўникмаси

Бир неча йил аввал кўпчилик учун давлат хизматидан фойдаланиш, банк амалиётларини бажариш ёки зарур маълумотни топиш учун ўша муассасаларга бориш одатий ҳол эди. Бугун эса бунга зарурат йўқ. Уларнинг аксарияти қўлимиздаги смартфонда мужассам. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган рақамли технологиялар кундалик турмуш тарзимизни тубдан ўзгартириб юборди.

► Давоми 5-бетда



Таклиф







**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси фракцияси раҳбари

атчилиги кўриб, англаб турибди. Мамлакатимизда 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газини чиқаришни ундан бир қисмга камайтириш режалаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. “Яшил” энергетика улуши 40 фоизга етади. Мазкур чора-тадбирлар, албатта, глобал иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш йўлида Ўзбекистон ташлаётган дадил қадамдир.

Буларнинг барчаси халқаро даражадаги инвестиция форумини Тошкентда ўтказиш, йирик инвесторлар учун жозибадор таклифларни тақдим этиш учун ишончли пойдевор бўлди.

**Биринчи қадам**

Рақамлар ҳам ислохотлар натижаларидан сўзлайди. Ўтган йили

барқарорлиги таъминланиб, халқаро захираларимиз ҳажми 70 миллиард доллардан ортиди.

Дунёнинг бугунги ўзгарувчан иқтисодиёти талаби шундай: фақатгина бугун юқори даромадни кўзлаш билан иш битмайди. Замонавий инвесторлар учун энг муҳими: келажак технологиялари билан бирга қадам ташлаш, бизнес ва иқтисодиёт учун барқарор муҳитни топиш, соғлом ва хавфсиз дунё сари одимлаш. Ўзбекистон эса қисқа вақт ичида айна шу йўлдан дадил бораётган дунёдаги санокли давлатлардан бирига айлана олди. Президентимиз халқаро минбарларда, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Ўзбекистоннинг ўзи бу борада намуна кўрсатишини таъкидламоқда.



Бошланиши 1-бетда

Аввало, иқлим ўзгаришига мослашиш, демократия, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланиш каби соҳаларда илгари ҳатто тажрибамизда қузатилмаган янгилликлар ҳаётга татбиқ этила бошланди.

Ўзбекистон минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолари вазиятларга конструктив ечимлар таклиф этди. Биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан самимий дўстлик ришталарини бослаб, тенгманфаатли алоқаларни йўлга қўйди. Чорак аср давомида қўшни давлатлар билан чегара ҳудудлари бўйича муаммо бўлган масалалар конструктив мулоқотлар орқали ечим топди. Бугун Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан чегара бўйича бирорта ҳам муаммоси қолмади. Бунга шак-шубҳасиз Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайлигина эришилди.

Экологик барқарорликка эришиш, келажак тараққиётининг асоси бўлмиш “яшил иқтисодиёт”га ўттиш йўлидаги ишларни олайлик. Ўша пайтдаёқ давлатимиз раҳбари Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги “яшил” энергия, сувдан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш эканини БМТ минбаридан туриб баралла айтган эди. 2021 йилгача мамлакатимизда “яшил” энергетика улуши нолга тенг бўлган бўлса, икки йил ўтиб 16 фоизга етказилди.

Сўнгги йилларда юртимизда 3,5 гегаватт қувватга эга 16 та қуёш ва шамол электр станцияси, 160 мегаватт қувватга эга 5 та гидроэлектр станция ҳамда 1,8 гегаватт қувватга эга энергия сақлаш қув-



ватлари ишга туширилди. Биргина 2025 йилнинг ўзида 12 та қуёш ва 4 та шамол электр станцияси, 12 та энергия сақлаш тизими фойдаланишга топширилди. Соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми 5 миллиард доллардан ошди.

Бундан ташқари, ўтган йили умумий қиймати 7 миллиард 200 миллион долларлик 11 та лойиҳанинг қурилиш ишлари бошланди.

Давлатимиз раҳбари 2030 йилгача мамлакатимиз энергетика балансида қайта тикланувчи энергия қувватини 50 фоиздан ошириш зарурлигини жаҳон минбарларида ҳам бот-бот тақдорламоқда. Бунинг муҳим сабаби бор. Чунки 2030 йилга бориб, юртимиз аҳолиси 41 миллиондан, иқтисодиёт ҳажми 200 миллиард доллардан ошади, прогноз қилинмоқда. Бу мақсадларнинг асосий қисмига эса халқаро миқёсдаги йирик инвестицияларни Ўзбекистонга жалб этиш орқали еттишилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон углерод нейтраллигига эришиш бўйича нақадар катта ислохотларни бошлаганини жаҳон жамо-

яни Ўзбекистоннинг салоҳиятини кўрсатиб турибди.

“Қўпчилиكنинг ёдида, биз тўрт йил аввал бўлиб ўтган илк форумда 2026 йил якунига келиб, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга етказишни мақсад қилган эдик. Жадал сўрәатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз бу йил 180 миллиард доллардан ошганини кутилмоқда”, деди Президентимиз фахр билан.

Бу ҳам юқорида таъкидлаганимиз — қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, бунинг учун ҳуқуқий, ташкилий, умуман, барча зарур чоралар ўз вақтида кўрилгани натижадир.

Бошқача айтганда, вақтни аниқ кўрсатадиган соат механизмлари сингари ишлайдиган қулай муҳит инвесторларни оҳанрабодек ўзига торта бошлади. Эришилган марралар ҳам бунинг аққол тасдиқлаб турибди: ўтган йили иқтисодиётга 43 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди. Миллий валютамизнинг

Мисол учун, Орол фожиаси ортидан Қорақалпоғистоннинг кўплаб ҳудудлари, айниқса, Мўйноқ тумани қанчалик оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолганини олайлик. Бу ҳодиса яқин тарихда ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда рўй берди. Аҳолиси кўчиб кетишдан бошқа илож қолмаган ҳудуд жуда қисқа муддатда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бутунлай тикланди. Бунинг қалити — Мўйноқда жозибадор инвестициявий муҳит яратилди. Тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, туризм фаол рағбатлантирилди. Натижада Мўйноқда ҳаёт бутунлай янги ўзанда тикланди, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кескин ошди.

Мана шундай кўп қиррали ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг халқаро кредит рейтингини йил сайин яхшилланиб бормоқда. Жорий йилда мамлакатимиз дунёнинг нуфузли “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилар, илк бор “иқтисодиётини мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистон иқтисодиёти жадал қураётган ва янги имкониятлар босқичига чиққанга ёрқин мисолдир.

Марра ҳали олдинда

Юқорида қайд этилган натижалар — бошланган изчил ислохотлар учун қатъий ва мустаҳкам пойдевор, холос. Асосий марра, қўзланган натижалар ҳали олдинда. Зотан, инвестициявий жозибадорликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам шу: изчиллик, тўхтаб қолмаслик ва келажакка қатъий ишонч.

**Президентимиз шундан келиб чиқиб, Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш учун бир қатор устувор йўналишларга алоҳида тўхтади.**

**Инвесторлар учун ҳуқуқий қафолат тизимини янада кучайтириш биринчи йўналиш сифатида белгилангани бежиз эмас. Бутун дунёда инвесторлар ҳуқуқлари кучли институтлар, эътироф этилган халқаро механизмлар орқали таъминланади. Эндликда Ўзбекистонда ҳам шундай бўлади.**

Қайд этилганидек, Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ишлари

Халқаро форумда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатидан 4 мингга яқин меҳмон қатнашгани, улар орасида давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, жамғармалар ва етакчи ишбилармонлар борлиги ҳам янги Ўзбекистоннинг салоҳиятини кўрсатиб турибди.

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news

бошланди. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бунга доир қонун лойиҳаси муҳокама қилинган. “Яшил” молия учун замонавий тизим яратилиши ҳар қандай инвесторнинг ҳавасини тортмасдан қолмайди, албатта.

Шу ўринда “яшил” молия нима деган савол туғилади. “Яшил” молия — атроф-муҳитга салбий таъсири камайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва табиий ресурсларни асрашга қаратилган экологик барқарор лойиҳаларга молиявий маблағларни йўналтириш тизими. Ушбу тизим қайта тикланувчи энергия, энергия тежовчи технологиялар ва чиқиндиларни қайта ишлаш каби соҳаларни қўллаб-қувватлайди. Мана шунинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг инвестициявий стратегияси узок йилга мўлжаллангани, кўп қиррали ва соғлом ривожланишга асосланганини кўрсатади. “Яшил” кредитлар, “яшил” облигациялар алақачон мамлакатимиз молиявий жараёнларида қатъий ўрин эгаллади.

Тошкент халқаро молия марказида Англия ҳуқуқига асосланган махсус тартиб-тамоийл жорий этилади, мустақил Тошкент халқаро тижорат суди ташкил қилинади. Унда нуфузли хорижий судьялар ва халқаро экспертлар фаолият юритади. Бундай қулай шароит, мамлакатимизда шаклланаётган янги экотизим имкониятларидан алақачон юзлаб инвесторлар фойдаланиш ниятида эканига форум иштирокчиларида ҳам гувоҳ бўлди.

Капитал бозорини ривожлантириш, муқобил молия воситаларига кенг йўл очиб давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида йўналиш сифатида қайд этилди.

Бугун Ўзбекистон янги авлод молия технологиялари ва сармоа бозорларини жадал ривожлантиришда. Молия бозоримиз тарихида қузатилмаган натижа — халқаро бозорларда 16 миллиард доллардан зиёд облигациялар жойлаштирилди. Илк бор 13 та стратегик корхона активига эга Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз акциялари Тошкент ва Лондон фонд биржасига чиқарилди. Эътиборли жиҳати, бу Лондон биржасининг охириги беш йилдаги энг йирик IPO (Initial Public Offering)сига айланди.

Биздан эса бу каби ислохотлар ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш учун тегишли қонунлар қабул қилинишини тезлаштиришимиз талаб этилади.

Келажакни “яшил” энергетикасиз тасаввур этиб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу масалада янги Ўзбекистонда алақачон амалий савй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Мисол учун, сўнгги йилларда Саудия Арабистонининг “ACWA” компанияси Ўзбекистон энергетика секторига умумий қиймати 15 миллиард доллардан ортиқ бўлган “яшил” ва анъанавий энергетика лойиҳаларини амалга оширмоқда. Мазкур компания инвестицияси туфайли Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида юзлаб мегаватт қувватга эга йирик шамол электр станциялари қурилмоқда. Минтақада илк бор Ўзбекистонда “яшил” водород ишлаб чиқариш ва қайта тикланувчи энергия инфратузилмасини яратиш бўйича лойиҳалар бошланди.

Эндликда “яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳаларида шериклик янада чуқурлашади. Инвесторларга қуёш ва шамол электр станциялари билан бир қаторда энергия сақлаш тизимларини ривожлантириш, тармоқларни модернизациялаш, “яшил” энергия асосида ишлайдиган дата-марказлар барпо этиш таклиф этилмоқда.

“Асосий вазифамиз сунъий интеллект орқали аҳолининг барча қатламлари ҳаётини яхшилаш, ундан таълим, давлат хизматлари ва бизнес жараёнларида кенг фойдаланишдан иборат”, деди Президентимиз.

Зотан, хорижий экспертлар Ўзбекистонда келгуси беш йилда ушбу янги йўналишда қамид 10 миллиард долларлик қўшимча қиймат яратилишини прогноз қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган ушбу кенг қўламли вазифалар ижросида биз депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Зеро, электр генерациясида тоза энергия улушини 54 фоизга етказиш, “яшил” молия тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда инновация ва экологик инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодий тараққиётни табиатни асраш билан уйғунлаштириш фракциямизнинг устувор йўналишидир.

Бир сўз билан айтганда, глобал иқтисодиёт лозига тушиб, капитал оқимлари йўналишини ўзгартираётган бир пайтда дунё инвесторларининг айнан юртимизга интилаётгани тасодиф эмас. Бу янги Ўзбекистонда дунё ҳамжамияти катта ишонч билан қараётганининг ёрқин ифодасидир. Мазкур қатъий ишонч замирида икки мустаҳкам устун — сиёсий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш туради.



# ТАРАҚҚИЁТГА ИШОНЧ БЕЛГИСИ



**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**  
Фарғона давлат университети ректори

Бошланиши 1-бетда

Энг биринчи ва энг чуқур тўсиқ институционал ишончсизлик эди. Инвестор учун қонуннинг қорғозда ёзилиши етарли эмас. У амалда қандай ишлашини кўриши керак. Тажрибали сармоядор сўз билан эмас, натижа билан ҳисоблашади.

Форум хроникаси

2022 йилда илк маротаба ташкил этилган форум, таъбир жоиз бўлса, очик эълон босқичи бўлди. Яъни у “Ўзбекистон ҳамкорликка тайёр”, деган очик баёнот эди. Форум доирасида имзоланган келишувлар қиймати 15 миллиард доллардан ошди. Энергетика, кимё саноати, транспорт инфратузилмаси — уч йўналишда бир вақтда ҳаракат бошланди. Дастлабки муваффақиятли лойиҳалар кейинги инвесторлар учун йўл очиб берди.

Бир йил кейин бўлиб ўтган навбатдаги форумда кўпроқ “яшил” энергетика ва амалиёт уйғунлиги намоён бўлди. Мустаҳкам ишонч самараси аққол кўрина бошлади. “Яшил” энергетика йўналишида қатор йирик шартномалар имзоланди. Масалан, “Тотал Энергияс” ва бошқа йирик халқаро компаниялар билан қуёш ҳамда шамол электр станциялари қуриш бўйича келишувларга эришилди.

Учинчи форум ҳуқуқий ҳимоя ва капитал бозорини кўрсатиб берди. Инвесторлар ҳимояси механизмлари институлаштирилди, арбитраж тартиблари халқаро стандартларга яқинлаштирилди. Халқаро бозорларда миллий валютадаги корпоратив еврооблигациялар айланмага киритилди.

2025 йилда эса 13 та стратегик корхона активига эга Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз акциялари Тошкент ва Лондон фонд биржасига чиқарилди. Бу Лондон биржасининг сўнгги беш йилдаги энг йирик IPOсига айланди. Шу йили мамлакатимизга жалб қилинган йиллик инвестиция ҳажми 43 миллиард долларга етди.

Жорий йилда янги марралар белгиланди. Беш йиллик йўлнинг якуни ва янги босқич бошланиши бўлди.

Маданий ўзгариш ва сиёсий ирода

Кўп йиллар давомида шакланган “йўқ дейиш осон, ҳа дейиш хавфли” деган бюрократик менталитетини бир кунда ўзгартириш қийин. Шу маънода, маъмурий ислохотлар, рақамли давлат хизматлари ички ишонч маданиятини қайта қуриш йўлидаги зарурий қадамлардир.

Ишонч муҳитини яратишда шахсий сиёсий ирода алоҳида ўрин тутати. Президентимизнинг инвесторлар билан бевосита, очик мулоқоти, Хорижий инвесторлар кенгашининг доимий фаолияти ва йирик хорижий компаниялар билан ҳамкорлик тизимли ислохотлар самараси бўлди. Халқаро рейтинглардаги ўсиш, “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқориллаш бунинг асоси бўлди. Мамлакатимиз етакчисининг беиничи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги

нутқи юртимизнинг глобал сармоа харитасида мустаҳкам ўрин эгаллашга қаратилган стратегик эълон бўлди.

Рақамлар ортидаги манзара

Президентимиз келтирган рақамлар ўзига хос салмоққа эга. Тўрт йил аввал, яъни биринчи форумда 2026 йил охирига келиб, ЯИМни 100 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб белгиланган эди. Бугун эса қутилиётган кўрсаткич 180 миллиард доллардан ошмоқда. Бу шунчаки ўсиш эмас, режалаштириш ва ижро ўртасидаги тафовутнинг ижобий томонига кескин ўзгариши самарасидир. 7,7 фоизли йиллик ўсиш суръати ва 70 миллиард доллардан ортиқ халқаро захиралар ҳам юртимиз макротиқсодий барқарорликка эришяётганини кўрсатади.

Нутқдаги энг эътиборли янгилликлардан бири Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ташаббуси бўлди. У махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган янги институционал платформа сифатида фаолият юритади.

Марказ иштирокчилари учун солиқ ва божхона имтиёзлари, капиталнинг эркин ҳаракати қафолатлари ҳамда истаган валютада ҳисоб-китоб қилиш имконияти берилади. Марказ инфратузилмасини шакллантириш доирасида мустақил молиявий регулятор ташкил этилади, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади.

Бу модель Дубай (DIFC) ва Нурсултон (AIFC) тажрибаларига ўхшаб, ушбу моделлар самарадорлиги эса, асосан, уч омилга боғлиқ. Регуляторнинг чинакам мустақиллиги, халқаро судьялар ва экспертларнинг реал вақтда доираси ҳамда мамлакатдаги умумий ҳуқуқий муҳит билан “параллел тизим” ўртасидаги уйғунлик. Агар бу омиллар ўз вақтида ва самарали ечилса, марказ минтақада ҳақиқий молиявий хабга айланади.

Олти устувор йўналиш

Президентимиз эълон қилган олти йўналишда эътиборга лойиқ стратегик изчиллик бор. Юқори қўшилган қиймат занжирларига эътибор — ҳомашини қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган бутун занжирни юртда шакллантириш нияти тўғри йўналиш. 130 турдаги янги маҳсулот ва 2,5 баравар юқори технологияли ишлаб чиқариш рақобатбардош саноатини қуриш йўлидаги асосий қадам.

“Яшил” энергетика ва сунъий интеллект комбинацияси глобал тенденциялар билан уйғун. Қорақалпоғистондаги махсус зонада 2040 йилгача солиқлардан озодлик ва бошқа енгилликлар жозибадор шарт-шароит.

Транспорт-логистика интеграцияси Трансафғон коридори, ўрта коридор ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли бир-бирини тўлдирувчи лойиҳалар сифатида тақдим этилиши минтақавий иқтисодий интеграциянинг стратегик қийматини оширади.

Кичик ва ўрта бизнес экотизими

Маҳаллий тадбиркорлик муҳити қанчалик рақобатбардош ва иқтисодиёт “илдизи” — кичик ва ўрта бизнес сектори қанчалик соғлом бўлса, йирик инвестициялар ҳам шунчалик самарали “илдиз отади”.

Президентимизнинг беиничи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи иқтисодий модернизациянинг аниқ манзарасини, ўйланган институционал архитектурасини ва амалий таклифларини бир бутун ҳолда тақдим этган стратегик ҳужжатдир. Дунё иқтисодиётидаги геосиёсий бекорорлик ва савдо низолаҳи кучайиб бораётган бир даврда Ўзбекистоннинг “очик эшик” сиёсатини сақлаши ўз-ўзича муҳим устуник. 100 дан ортиқ давлатдан 4 мингга яқин меҳмон иштирок этиши унинг халқаро миқёсдаги эътирофидан далолат беради.





## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Форум ишини дунёнинг 41 мамлакатидан келган 200 дан зиёд хорижий журналист фаол ёритиб борди. Bloomberg, Reuters, Euronews, BBC News, Xinhua каби йирик нашрларда V Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 20 июнь, 124-сон

66

Бугун Ўзбекистон инвесторларга шу шароитларнинг барини яратяпти, ҳар қандай йирик лойиҳаларни амалга ошириш таклифини берапти, очик, шаффоф, ишончли ҳамкорликка чорлаяпти.



# МИНТАҚАНИНГ ЭНГ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН ТАДБИРИ

## МИНГЛАБ ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

V Тошкент халқаро инвестиция форумининг бу йилги тадбирларида ҳам бунга яққол гувоҳ бўлдик. Форум иштирокчилари сони тўққиз мингга яқинлашди, 60 дан ортиқ ҳукумат делегацияси, хорижий корпорацияларнинг тўрт мингга яқин раҳбари анжуман қатнашчисига айланди. Иштирокчи компанияларнинг умумий активлари эса 42 триллион доллар деб баҳоланди. Бу дунё молиясининг йирик қисми Тошкент шаҳрида жам бўлганини кўрсатади. Йирик капитал, сисёат ва молия институтларининг бир жойга тўпланиши жаҳон эътиборини ўзига қаратди. Форум ишини дунёнинг 41 мамлакатидан келган 200 дан зиёд хорижий журналист фаол ёритиб борди. Bloomberg, Reuters, Euronews, BBC News, Xinhua каби йирик нашрларда V Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди.

Очиги, уч кун давом этган форум ҳақиқий иқтисодий байрамга айланди. Расмий ва норасмий шаклда ўтган 80 га яқин тадбир турли мамлакатлар инвесторлари, иқтисодиёт вакиллари, қатор соҳаларда фаолият юритаётган бизнес эгаларини бир манзилда учраштирди, фаол мулоқоти учун қўлай платформа яратди. Иштирокчилар ўзаро мулоқотлардан ташқари панель сессиялар, давра суҳбатлари, бизнес форумларда қатнашди. Уларда юзлаб халқаро тоифадаги мутахассислар, ҳукумат ва йирик молия ташкилотлари раҳбарлари, инвесторлар нутқ сўзлаб, бугунги куннинг энг долзарб мавзуларида маърузалар қилди. “Яшил” энергетика, озиқ-овқат хавфсизлиги, ислом молияси, рақамли бошқарув ва сунъий интеллект каби аниқ йўналишлар муҳокама қилиниб, соҳа мутахассислари бу борадаги энг илгор янгиликлар, замонавий тенденциялар ҳақида гапирди.



Форум доирасида мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий имкониятлари, драйвер тармоқлари, саноат қувватлари, миллий маҳсулотлар, янги лойиҳалар намойиш этилди. Айниқса, ана шу жиҳатлар инвесторларда катта таассурот қолдириб, ҳамкорлик йўналишларини

кенгроқ аниқлаб олишга имконият яратганини таъкидлашмоқда. Биз хорижлик меҳмонларнинг V Тошкент халқаро инвестиция форумидан олган таассуротлари, фикр ва таклифлари, янги лойиҳалар бўйича режалари билан қизиқдик.

## САРМОЯДОРЛАРНИ ЧОРЛАГАН САБАБ — КАТТА ИШОНЧ

Жанне ҲАРПУНЖА,  
финляндиялик инвестор, йирик саноат  
компаниялари вакили:



— Бу Ўзбекистонга илк таширфим эмас, мамлакат ҳақида етарлича тасаввурга эгаман. Очигини айтсам, Ўзбекистоннинг энергетика саноати ва “яшил” энергетика борасидаги ислохотлари мени чинакамига ҳайратга солмоқда. Бир неча йил олдин бу борада деярли тажрибаси бўлмаган мамлакат бугун “яшил” тараққиёт инқилобини амалга ошириб, ҳатто кўплаб жадалларга намуна бўлаётгани, қуёш ва шамол имкониятидан унумли фойдаланаётганини кўриб турибмиз. Яна бу оддий усуллар эмас, балки жаҳоннинг энг янги ва илгор технологиялари ёрдамида амалга ошириляпти, ҳатто маъмур технологияларни маҳаллийлаштириш бошланган. Бу жуда

катта маблаг талаб этадиган жараёнлар ва соҳага жаҳоннинг энг йирик компаниялари сармоя киритмоқда. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг инвестицион жозибдорлиги юқори экани, хорижлик сармоядорлар учун жуда катта имкониятлар яратилганини кўрсатади.

V Тошкент халқаро инвестиция форуми, назаримда, дунё бўйича шу йўналишда ўтказилаётган тадбирларнинг энг йирикларидан бирига айланган. Бу йил ҳам форумда қатнашиш учун минглаб хорижлик ишбилармонлар Тошкент шаҳрига келди. Улар кичик

ва ўрта компаниялар эгалари эмас, балки жаҳонга машҳур, номдор брендлар раҳбарлари, глобал молия бозори етакчиларидир. Уларни бу ерга етаклаган асосий сабаб мамлакат иқтисодий тараққиёти, инвестицион муҳитига катта ишонч деб биламан.

Мен Финляндиянинг йиллик айланмаси 17-18 миллиард еврога тенг бўлган йирик саноат компаниялари манфаатларини ифода этаман. Вакилларимиз энергетика, машинасозлик, электротехника соҳаларида фаолият юритади. Биз бир қанча компаниялар билан



эришилаётган мисли кўрилмаган ютуқлар мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бугун жаҳонда энергетика трансформацияси жадаллашаётган бир вақтда кўплаб давлатлар энергия хавфсизлигини мустахкамлаш, ишлаб чиқариш қувватларини диверсификациялаш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қучайтирмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлини танилади ва бунга фаол киришди. Буни шунчаки амалга оширмади, балки соҳага халқаро тажрибалар, илгор технологиялар ва йирик инвесторларни жалб қилди. Биз эса ушбу лойиҳалар келажагига, ҳамкорлигимиз истиқболига, таклиф этилган имконият ва шароитларга ишонч билдириб, сармоя киритишга қарор қилдик. Бугун биргаликда эришаётган натижаларимиздан эса фахрланамиз.

Шу тариқа “ACWA” компанияси Ўзбекистоннинг “яшил” энергетика соҳасидаги энг йирик инвесторларидан бирига айланди. Компаниямиз дунёнинг 15 мамлакатидagi 110 та лойиҳада 120 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги активларни бошқариб

биргаликда форумда иштирок этиш орқали янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, истиқболли лойиҳаларни излаш, бизнес имкониятларимизни кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Шу боис, бир неча кун давомида Ўзбекистоннинг айлани йўналишлардаги маҳаллий бозорини ўргандик. Очиги, мавжуд қувватларни қўриб ҳайрон қолдик. Айниқса, Ўзбекистон электротехника саноати бу қадар жадал ривожланаётганини кутмагандим. Тармоқда ишлаб чиқариш қувватлари, янги корхоналар, замонавий технологиялар ва маҳаллийлаштиришга берилаётган эътибор мени ҳайратга солди.

Мамлакат маҳаллий саноати аллақачон глобал бозорга фаол кириб бориб, ўзини мустахкамлашга эришаётганига гувоҳ бўлдик. Инвестициялар учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, бу ерда саноат ишлаб чиқарувчилари учун етарлича хомашё базаси мавжуд. Бу имкониятларни янада кенгайтиради.

Ҳозирча Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги савдо ҳажми унчалик катта эмас. Бироқ бу йўналишда улкан салоҳиятни кўряман. Албатта, айрим қийинчиликлар мавжуд. Энг асосийларидан бири мамлакатларимиз ўртасидаги масофа узюқлиги ва логистика тизими ҳали тўлиқ шаклланмагандир. Шунга қарамай, бу муаммоларни ечиш мумкин ва улар келажақдаги ҳамкорлик учун тўсиқ бўлолмайди. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг саноат салоҳиятига ишончим баланд. Мамлакат саноатини ривожлантириш йўлида қатъий одимламоқда. Ишонаманки, айлани йўналишида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайиб, янги лойиҳаларга йўл очади.

келмоқда. Бу лойиҳаларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 95,7 гигаватт бўлиб, унинг ярмидан кўпи қайта тикланувчи энергия манбаларига тўғри келади.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўтган қисқа вақтда “ACWA” компаниясининг халқаро ўсиш стратегиясида марказий ўринни эгаллади. Компаниянинг мамлакатдаги 19 та лойиҳага киритган ва режадаги инвестициялари ҳажми 15 миллиард долларга етди. Бу қайта тикланувчи энергия йўналишидаги энг йирик хусусий энергетика портфелидир. Бугунга қадар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ўнлаб қуёш ва шамол электр станциялари қуриб ишга туширилган бўлса, яна бир қанча лойиҳаларни фаол давом эттиряпмиз.

“ACWA” компанияси делегацияси V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказилган тадбирлар ва юқори даражадаги учрашувларда нафақат иштирокчи, балки асосий ҳомиёлардан бири сифатида қатнашди. Одатдагидек форум иши юқори даражада ташкил этилганлига гувоҳ бўлдик. Аминманки, бу йилги форум доирасида имзоланган янги ҳамкорлик битимлари, инвестицион келишувлар мамлакат иқтисодий ривожига янада муҳим ўрин эгаллайди.

## ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АВИАЦИЯ ХАБИГА АЙЛАНАДИ

Суреш САБУДИ,  
Американинг “Boston Consulting Group” компанияси бошқарувчи директори:

— V Тошкент халқаро инвестиция форуми кутганимиздан кўра қизгин руҳда ўтди. Айниқса, панель сессияларда давримизнинг энг долзарб мавзуларида фикр алмашдик, янги лойиҳалар ҳақида гаплашдик, соҳалардаги муаммоларни ўртага ташлаб, таклифларимизни билдирдик. Мен ҳам сессиялар давомида маъруза билан иштирок этиб, аниқ мавзудаги таҳлилларимни билдирдим.

Масалан, Ўзбекистоннинг авиация соҳасини олайлик. Бу йўналиш мамлакатда тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда авиация ўсиши иқтисодий ўсишдан қарийб 2,5 баробар юқори. Хусусан, 2019-2025 йилларда авиайўловчилар сони 6,5 миллион нафардан 15,5 миллион нафарга етган бўлса, ҳаво юк ташуви ҳажми бу даврда 12 фоиз, мамлакатга парвоз қилаётган авиакомпаниялар сони эса қарийб тўрт баравар ошган. Бу талабнинг ортиб бораётгани билан боғлиқ. Шу боис, хорижлик инвесторларнинг ушбу соҳага қизиқиши низоҳатда баланд. Ҳозир мамлакатда авиаташувларнинг катта қисми чет эл компаниялари ҳиссасига тўғри келаяпти. Бу кўрсаткич тобора ортиб боради.

2025 йилда Марказий Осиё қарийб 60 миллион йўловчи билан дунёдаги энг тез ривожланаётган авиация субмитақасига айланди. Ўзбекистон бунда етакчилик қилмоқда. Йўловчилар сони ўсиши ҳам, авиакомпаниялар таклиф этаётган ўриндиқлар ҳажми ҳам рекорд суръатларда ортияпти. Демак, мамлакатнинг минтақада авиация хабига айланиш имкониятлари анча юқори.

Айниқса, Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасидаги қўлай географик жойлашуви сабаб йирик транзит коридорига айланиш имкони-



ятига эгаллиги билан қизиқишни янада оширмоқда. Айни пайтда мамлакатда транзит йўловчилар улуши атиги 3 фоизни ташкил қилади. Ваҳоланки, бу кўрсаткични 20 фоизгача ошириш мумкин.

Туризм ҳам бу борада улкан салоҳиятга эга. Марказий Осиёда бир нечта давлатларни қамраб олувчи саёҳат йўналишининг таркибий қисмлари мавжуд ва минтақада туризм салоҳияти ҳозирги ҳажмдан камида уч баравар ошishi мумкин. Бу эса ҳаво қатновларини янада ривожлантириш, кўпроқ инвестициялар жалб қилишни талаб этади.

Ўзбекистон авиация соҳасида имкониятлар катта, аммо эътибордан четда қолдирмаслик керак бўлган асосий масалалар ҳам мавжуд. Таҳлилларимга кўра, мамлакат авиация соҳасида учта муҳим жиҳат — аэропорт инфраузилмасини ривожлантириш, минтақавий ҳаб учун рақобатда муваффақият қозониш ҳамда авиакомпаниялар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратиши керак. Айни шу омиллар келгуси йиллардаги муваффақиятни белгилаб беради.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЎЗИ ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЭШИТИБ, ТАКЛИФЛАРИНИ СЎРАМОҚДА

Жан ДАМ,  
Нидерландиядаги йирик саноат  
компаниялари вакили:



— Ўзбекистон бозори биз учун янги майдон эмас, аммо унинг жадал ривожланиб бораётгани бизни тобора ҳайратга соляпти. Биз мамлакатнинг саноат тармоқларига инвестиция киритишни, фаол ҳамкорлиқни аллақачон бошлаганмиз. Аниқроғи, Ўзбекистон бозорига илк бор 2018 йилда кириб келганмиз. Ўшандаёқ мамлакатнинг саноат салоҳияти, иқтисодий имкониятлари, сармоядорлар учун яратилган қўлай муҳит қизиқишимизни оширган.

Асосий эътиборимизни бошқарув панеллари ишлаб чиқариш ва уни Ўзбекистон шароитида маҳаллийлаштиришга қаратамиз. 2020 йилда Тошкентда компаниямиз офиси ва мухандислик марказини ишга туширишга муваффақ бўлдик. Бу мамлакатдаги узоқ муддатли ҳамкорлигимизни амалга оширишда муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда юқори малакали мутахассислар ва тажрибали мухандислардан иборат каттагина жамоамиз билан бирга фаолият юртияпмиз. Ишонч билан айта оламанки, бу компаниямизнинг дунё бўйлаб шакллантирган энг қучли жамоаларидан бири. Уларнинг билим ва салоҳияти янгидан янги лойиҳаларни амалга ошириш, кўпроқ инвестициялар киритишга йўл очаяпти.

Бугун хорижлик инвесторлар Ўзбекистонга шунчаки бозор сифатида эмас, балки узоқ муддатли ҳамкор, сармоя киритиш учун ишончли ва истиқболли тараққиёт сифатида қарамоқда. Қисқа вақтда тез суръатда ривожланиб, барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолаётган мамлакат бунга амалда исботляпти. Қолаверса, Ўзбекистон Европа давлатларини Марказий Осиё минтақаси билан боғловчи асосий марказга айланган. Айни жиҳатлар чет эллик ишбилармонлар, инвесторларни янада фаол жалб этапти.

Яна бир муҳим жиҳат бор. Инвестор ҳеч бир жойга шунчаки сармоя киритилмади.

Авалло, ўша лойиҳанинг истиқболли, унинг ривожланиши учун мамлакатда қўлай шароитлар борлиги ҳамда фаолияти эркинлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Давлат қанчалик ривожланган бўлмасин, инвестор у ерда эркин ишлай олмаса, ҳуқуқлари кафолатланмаса, ҳар қандай йирик лойиҳага қўл урмайди.

Бугун Ўзбекистон инвесторларга шу шароитларнинг барини яратяпти, ҳар қандай йирик лойиҳаларни амалга ошириш таклифини берапти, очик, шаффоф, ишончли ҳамкорликка чорлаяпти. Агар бу дунё ишбилармонларини қанчалик қизиқтираётганини билмоқчи бўлсангиз, мамлакатда ўтказилган нуфузли анжуман — V Тошкент халқаро инвестиция форуми иштирокчиларига назар ташланг. Уларнинг орасида жаҳоннинг энг йирик молия ташкилотлари, улкан корпорациялар, машҳур компания ва брендлар раҳбарлари борлиги, тадбирда 100 дан ортиқ давлатдан минглаб инвестор иштирок этгани оддий рақамлар эмас. Бу Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳияти ва жозибдорлигини яққол кўрсатиб берадиган реал воқеялиқдир.

Бевосита давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ўзи инвесторларга катта ишонч берапти, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини айтаяпти. Хорижий инвесторлар кенашининг форум доирасида ўтган ялпи мажлисида ҳам Президентнинг ўзи инвесторларга мурожаат қилиб, уларнинг ташаббуслари давлат сисёатида амалий ифодасини топаётгани, доим бизларни тинглаб, ҳар бир муаммо ва тавсияни батафсил муҳокама қилишга тайёрлигини билдириди. Хорижлик инвесторлардан Ўзбекистонда уларнинг фаолиятларида йил давомида кузатишган муаммолар, инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича таклифларини сўради.

Бу шунчаки мулоқот эмас, чет эллик ишбилармонларга юксак ҳурмат, катта ишонч белгиси деб биламан. Давлат раҳбари инвесторларни сармоя киритишга таклиф қилибгина қолмай, уларни яқин ҳамкорлик, барча томонлар учун манфаатли шериклик, катта лойиҳаларни биргаликда амалга ошириб, мамлакат ва дунё иқтисодиёти тараққиётига хисса қўшишга чорламоқда.

Ишончим комил, яқин йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ва саноати мисли кўрилмаган даражада ривожланишда давом этади. Биз эса ушбу жараёнларда йирик инвестициялар киритиш, замонавий технологиялар ва халқаро тажрибани қўллаш орқали фаол иштирок этиш ниятидамиз. Чунки мамлакатдаги иқтисодий тараққиёт инвесторлар имкониятини ҳам кенгайтиради.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.





# ОНЛАЙН ХАРИД: ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲИМОЯЛАНГАН?

Ахборот технологиялари ривожланиши халқаро савдода электрон тижорат улушининг ошишига олиб келди. Масалан, 2025 йил ҳолатига кўра, дунё бўйлаб тахминан 2,77 миллиард киши онлайн харид қилишни афзал кўрмоқда. 2025 йилда электрон тижорат глобал чакана савдонинг 21 фоизини ташкил қилган бўлса, 2027 йилга келиб, бу кўрсаткич 22,6 фоизга етиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда онлайн тижорат бозори 2021 йилда 201 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 543 миллион долларга етди. 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 50 дан ортиқ электрон тижорат субъекти рўйхатдан ўтган. Уларнинг умумий йиллик айланмаси 300 миллион долларни ташкил этмоқда. 2027 йилга келиб, уларнинг айланмаси 1 миллиард долларга етиши кутиляпти. Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган Meta, Google, Apple, Booking.com ва Zoom каби компаниялар ўтган йилги жами 70 миллиард сўм солиқ тўлади. Бундан ташқари, электрон тижорат, финтех ва банк хизматларини бирлаштирган миллий рақамли экотизим бўлган “Uzum” 2024 йилда қарийб 1,2 триллион сўм солиқ тўлаган. Бу 2023 йилдагига нисбатан 28 фоиз кўп. “Uzum” тўлаган солиқ мамлакат бюджетни даромадининг 0,3 фоизини ташкил этган.

Онлайн савдонинг глобал ва маҳаллий кенгайиши истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва уларнинг онлайн транзакцияларга ишончини ошириш нукта назоридан электрон тижорат қонунчилигини таҳлил этишни талаб қилади. Электрон транзакциялар истеъмолчиларга нархни осонгина таққослаш ва махсулотларни дўконлардагига қараганда арзон баҳода сотиб олиш



имконини беради. Бу афзалликлар Ўзбекистонда электрон тижорат ҳажмининг ошишига олиб келди. Бироқ бу ўсиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, онлайн транзакцияларда махсулотлар ва сотувчилар ҳақида аниқ ҳамда ўз вақтида маълумот олиш муҳимлигига қарамай, сотувчиларнинг маълумот бериш бўйича шартномадан олдинги мажбуриятларини тўлиқ бажармагани ёки электрон тижорат шахсизлиги сабабли истеъмолчилар бундай маълумотларни олишда қийинчиликларга дуч келмоқда. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун сотувчилардан истеъмолчиларга аниқ ва тўлиқ маълумот беришни талаб қилса-да, истеъмолчиларнинг ахборот олиш ҳуқуқига қийинчиликларнинг мажбуриятларини тўлиқ бажармагани ёки электрон тижорат шахсизлиги сабабли истеъмолчилар бундай маълумотларни олишда қийинчиликларга дуч келмоқда. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5- ва 6-моддаларида ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари ҳамда товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ қоидалар тартибга солинган. Бироқ ушбу маълумотлар электрон шартномаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб тақомиллаштирилмаган. Масалан, онлайн савдода

маълумотларни ҳимоя қилиш ва масофавий шартномалардан воз кечиш каби муҳим институтлар етарли даражада тақомиллашмаган. Хусусан, онлайн савдода сотувчиларнинг ахборот бериш мажбуриятлари аниқ белгиланмаган. Тўғридан тўғри маркетингни тартибга солиш механизмлари етарли эмас.

Хорижий тажриба, айниқса, Европа Иттифоқи қонунчилиги таҳлили маъмуриятларнинг ахборот бериш мажбуриятларини аниқ белгиланмаган. Тўғридан тўғри маркетингни тартибга солиш механизмлари етарли эмас. Хорижий тажриба, айниқса, Европа Иттифоқи қонунчилиги таҳлили маъмуриятларнинг ахборот бериш мажбуриятларини аниқ белгиланмаган. Тўғридан тўғри маркетингни тартибга солиш механизмлари етарли эмас.

Адиба САФАРОВА,  
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат  
институтини бош илмий ходими



# Барқарор иқтисодиёт соғлом экотизимга таянади

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, минтақада 37 миллионга яқин киши сув танқислиги юқори бўлган ҳудудларда яшамоқда. 2050 йилга бориб, бу рақам икки баробар ошиши мумкин. Шу нуктада масала экологик муҳомадан чиқиб, минтақавий барқарорлик, давлат сиёсати ва иқтисодий стратегия даражасига кўтарилади.

Бундай шароитда экология масаласи оддий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасидан чиқиб кетади. У энди иқтисодий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик ва узоқ муддатли тараққиётни бевосита белгилайдиган омилга айланмоқда. Демак, гап алоҳида соҳавий вазифа ҳақида эмас, балки давлатнинг умумий ривожланиш йўналишини қайта кўриб чиқиш зарурати ҳақида кетмоқда. Шу маънода, юртимизда табиятни муҳофаза қилишга иқтисодий ўсишнинг таркибий қисми сифатида қарала бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Глобал экологик жамғармасининг саккизинчи ассамблеяси иштирокчиларига йўллаган табриғида мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлаш йўлидаги кенг қўлмали ислохотлар аҳамияти алоҳида қайд этилди. Хусусан, 2030 йилга қадар муҳофаза этиладиган ҳудудларни республика умумий ҳудудининг 21 фоизига етказиш мақсади белгилангани бу борадаги стратегик ёндашувнинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур ташаббус нафақат табиятни асраш, балки келажақ авлод учун соғлом экологик муҳитни сақлаб қолиш йўлида муҳим қадамдир. Чунки муҳофаза этиладиган ҳудудлар табийй мувозанатни таъминлайдиган, иқлим барқарорлигини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда сув ресурсларининг айлинишини тартибга солидиган ўзига хос “яшил қалқон” вазифасини бажаради. Улар биологик ҳилликни сақлаш билан бирга экотизимларнинг бузилишига қарши табийй ҳимоя тизими сифатида ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, мутахассислар бугун республика ҳудудида муҳофаза этиладиган



Мулоҳаза



табийй майдонларнинг қисқариши ёки етарли даражада кенгайтирилмаслиги иқлим мувозанатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидламоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, сув танқислиги муаммосининг кучайишига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бугун экологик муаммолар алоҳида соҳа доирасида чекланиб қолган эмас. Улар шаҳарлар ўсиши, транспорт ҳаракати ва саноат фаоллиги билан узвий боғланган тизимли ҳолатга айланган. Шу нукта на- зардан, 2030 йилга қадар ҳавога зарарли ташламаларни 10,5 фоиз қисқартириш вазифаси қўйилиши ушбу уч йўналиш ўртасидаги мувозанатни қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Атмосфера ифлосланишини битта манба билан тушунтириб бўлмайди. У бутун тизимнинг йиғиндиси сифатида шаклланади. Шу сабабли ечим ҳам бир-бири билан боғланган қарорлар орқали бўлиши керак. Акс ҳолда, бир соҳадаги ижобий ўзгариш бошқа соҳадаги босим туфайли йўққа чиқиши мумкин.

Бугун дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири чиқиндилардир. Юртимизда чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш

йўналишида жорий йилда 2 та, келгуси икки йилда яна 9 та заводни ишга тушириш режалаштирилган. Бу инфратузилма йиллик 5,5 миллион тонна чиқиндини қайта ишлаш имконини беради. Энг муҳими, мазкур жараён натижасида атмосферага чиқариладиган иссиқхона газлари ҳажми йилга 1,1 миллион тоннага камаяди. Бу кўрсаткич чиқиндини фақат йўқ қилиш билан чекланмай, уни экологик босимни камайтирувчи ресурс сифатида қайта баҳолаш йўналиши кучайиб бораётганини кўрсатади.

Эндиликда инсон ва табият ўртасидаги муносабат “асраш” ёки “фойдаланиш” тушунчаларидан анча кенг маъно касб этмоқда. Одам қарерда яшамасин, нафақат муҳитдан фойдаланади, балки шу муҳитни ўз ҳаракатлари билан қайта шакллантиради. Шу маънода, экологик саводхонлик масъулиятга айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда экологик таълим ва илмий тадқиқотлар ўзaro боғланган ягона экотизим шаклида қайта қурилмоқда. Биргина мисол, Green University негизда 10 та илмий-тадқиқот маркази ва 14 та “яшил” техникум бирлаштирилди. Шунингдек, қарийб 2 миллион ёшни қамраб

олган экологик саводхонлиқни ошириш жараёни бошлаб юборилди. Зеро, жамиятнинг экологик ҳолати фақат давлат дас- турлари билан эмас, одамларнинг оддий кундалик танловлари орқали ҳам белгиланади. Экологик саводхонлиқни ривожлантириш келажакни қуришда муҳим. Чунки инсон табиятга қандай муносабатда бўлса, эртага табият ҳам унга шу тарзда жавоб қайтаради.

Оролбўйи ҳақида сўз кетганда, бу ҳудуд оддий географик жой сифатида тасаввур қилинмайди. Бир авлод кўзи олдида чекинган денгиз, қум остида қолган кемалар ва сув ўрнини босган чанг бўронлари келади. Бу манзаралар вақт ўтиши билан табиятнинг энг оғир сабоқларидан бирига айланган. Бугунги ишлар йўқотилган ана шу манзарани қайтаришдан кўра кўпроқ унинг ўрнида янги ҳаётни шакллантиришга қаратилган.

Оролбўйида 2 миллион гектардан ортиқ қум босган дала, сўғориш тизимидан узилган майдонлар ва йиллар давомида унумдорлигини йўқотган ерларни қайта тиклаш жараёнари бу ёндашувнинг амалдаги кўринишидир. Бу ерда гап фақат табиятни тиклаш ҳақида эмас, балки инсон ва табият ўртасидаги узилиб қолган боғлиқлиқни қайта тиклаш ҳақида ҳам кетмоқда.

Шу билан бирга, экологик муаммоларни бир ҳудуд доирасида қолдириб бўлмаслиги тобора яққол намоён бўлмоқда. Сув тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши ва ер деградацияси каби масалалар чегара танламайди. Бир ҳудудда бошланган муаммо бошқа ҳудудда оғир оқибат сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу боис, экологик сиёсатда ҳамкорлик ва биргалликда ҳаракат қилиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

Айнан шу эҳтиёж натижасида “Есо Экспр Central Asia” платформаси йўлга қўйилди. У ҳудудлар ва саноат тармоқларидаги экологик қаҳирқиларни бир майдонда жамлаб, уларни амалий ечимлар ва “яшил” инвестициялар билан боғлашга хизмат қилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# Германиядан насли қорамоллар олиб келинди



Бугун ҳар бир давлатнинг озик-овқат хавфсизлиги ва аҳолисининг сифатли махсулотга эҳтиёжи айнан чорвачиликнинг илмий асосда ривожланишига бевосита боғлиқ. Шу маънода, наслилик соҳасидаги ҳар бир янгилик узоқ йиллик натижаларни белгилab берувчи муҳим омил сифатида баҳоланади.

Куни кеча Германиядан 166 бош генетик баҳоланган насли қорамол мамлакатимизга олиб келинди. Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ушбу ташаббуси чорвачилик соҳасини замонавий босқичга олиб чиқиш, наслилик тизимини ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликларининг махсулдорлик кўрсаткичларини оширишга қаратилган.

Келтирилган қорамоллар дунёда юқори баҳоланадиган голштейн, симментал, абердин-ангус ва лимузин каби сотларга мансуб бўлиб, генетик салоҳияти ва юқори махсулдорлик кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Хусусан, голштейн зоти сут йўналишида юқори самара бериши, абердин-ангус ва лимузин эса гўшт йўналишида тез вази тўплаши билан машҳур.



166 бош қорамолнинг тақсмоти ҳам тизимли ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, 11 бош голштейн, 16 бош симментал, 4 бош абердин-ангус зотли наслдор гунажинлар ҳамда 18 бош голштейн, 4 бош абердин-ангус, 6 бош симментал ва 1 бош лимузин зотли наслдор буқалар агентлик ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказига етказилмоқда. Бу эса илмий асосда селекция ишларини давом эттириш учун муҳим база вазифасини ўтайди.

Шунингдек, 26 бош насли бўғоз гунажини Тощент виллоятидаги “Фародис хирмони” фермер хўжалигига, 79 бош насли гунажин эса Навоий виллоятидаги “Янги асп” фермер хўжалигига йўналтирилади. Бу орқали фермер хўжаликларида наслилик ишларини кенгайтириш, сут ва гўшт махсулдорлигини

ошириш ҳамда маҳаллий шароитга мос, юқори самарали подаларни шакллантириш имконияти яратилади.

— Мамлакатимизда чорвачилиқни ривожлантириш, аҳолини сифатли гўшт ва сут махсулотлари билан таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 майдаги “Чорвачилик тармоғи ва яйлов хўжалигини замонавий бошқарув тизими ва янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада янги имкониятлар эшигини очди, — дейди Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги масъул ходими Матёқуб Матёқубов. — Мазкур қорамол асосида чет давлатлардан юқори махсулдор насли қорамолларни олиб келиш жараёни

бошланди. Бу, ўз навбатида, нафақат фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, балки бутун тармоқнинг рақобатбардорлигини оширишга қаратилган стратегик қадам сифатида баҳоланмоқда. Чунки бугун ички бозорни сифатли махсулот билан таъминлаш билан бирга келажакда экспорт салоҳиятини ошириш ҳам муҳим вазифалар қаторида қолмоқда.

Насли қорамолларни импорт қилишда белгиланган солиқ имтиёзлари, хусусан, қўшилган қўйимат солигининг бекор қилиниши ҳамда ҳар бир қорамол учун 4 миллион сўм субсидия акрaтилиши фермерлар учун катта молиявий енгиллик яратиб, соҳага хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирмоқда.

Германиядан олиб келинаётган қорамоллар юқори генетик салоҳиятга эга бўлиб, сигирлардан ўртача 35-40 литрғача сут олиш имконияти мавжуд. Буқалар эса тўғри парвартишланса, кунлик 1-1,5 килограммгача вази тўплаши мумкин. Бундай насли жониворларнинг мамлакатга олиб кирилиши чорвачилиқда махсулдорлиқни ошириш, замонавий фермер хўжаликларини шакллантириш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Насли қорамолларнинг мамлакатимизга олиб кирилиши бир марталик тадбир бўлиб қолмай, узоқ муддатли стратегик жараёнинг муҳим бўғинидир. Чунки чорвачилиқда натижа тезда эмас, балки йиллар давомида шаклланадиган тизимли меҳнат, илмий ёндашув ва тўғри селекция сиёсати орқали юзага чиқади. Бундай ташаббуслар орқали қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва генетик барқарорлик муҳим ўрин эгаллайди. Бу, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш, қишлоқ ҳудудларида бандлиқни таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Энг муҳими, чорвачилиқдаги бу каби сый-ҳаракатлар мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга келажак авлод учун барқарор иқтисодий пойдевор яратишга қаратилган.

Сардор ШУХРАТ ўғли,  
журналист







Халкимиз “Ўзбекистон булбули” деб эътироф этган Таваккал Қодировнинг умр йўли, ижодий фаолияти кўплар учун ибратли. Миллий маданиятимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган санъаткорнинг юздан ортиқ қўшиғи миллий санъатимизнинг олтин фондиди безаб турибди. Санъаткор таваллудининг 100 йиллиги ЮНЕСКО томонидан кенг нишонланаётгани эса унинг ижодий меросини сақлаш ва ривожлантиришда янги имконият эшикларини очди. Жойларда мазкур сана муносабати билан илмий-амалий семинар, халқроқ кўрик-танловлар, маданий тадбирлар ўтказилаётгани Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодировнинг ўлмас ижодий мероси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаётганини кўрсатади.

### Бедазорда туғилган бола

Жавзо ойининг ўрталарида ёққан ёмғир Халфа адирикларидан оқиб Султонобод қишлоғининг экинзорлари бўйлаб келади. Ғарбдан эсаётган майин шабада кишига ҳузур бағишлайди. Узумзорларда чилги энди чумак урган, ўрик ғураларига сув югурган. Боғларда туфка қушларнинг сайроқи овози тинмайди...

Саккиз фарзандининг доғида юрак олдириб қўйган она тўққизинчи зурриёдини дунёга келтириш учун ҳеч кимга, ҳатто турмуш ўртоғига ҳам билдирмай ҳовли этагидagi бедазорга қараб юриб борарди. Тўққизинчи фарзандини шу ер бағрида туғишга аҳд қилганди. Кекса момолар иримига кўра, фарзанди турмаган она уйдан ташқарида, ҳеч кимнинг назоратисиз ёлғиз туғиши кераклигини бот-бот эсга олиб, тўлғоқ азорларига тишини тишига қўйиб чидаб, чакса терга ботиб борарди. “Фарзандимни шу ерда тугаман. Таваккал, ё ерники бўлар, ёки меники” хаёлидан ўтказди Тўтиби. Биринчи бор қалбидан отилиб чиққан “Таваккал” сўзи мушфиқ она хотирасига муҳрланиб қолди. Тугилажак фарзанди ўғил бўлса, исмини Таваккал деб қўйишни дилига тугди...

Таваккал Қодиров таваллудининг 100 йиллиги

БУЛБУЛЛАР ЖЎР БЎЛГАН

наволар



Султонали МАННОПОВ,  
Фарғона давлат университети  
профессори, Ўзбекистон халқ  
артисти

### Болаликдаги илк қўшиқ туғғени

Абдужаллибойнинг қишлоқ ўртасидаги ҳовлиси кўргони билан мактабга берилган бўлиб, мулла Қодир ақанинг ҳовлисига девор-дармиён эди. Таваккал мактаб сари ошқиб келаётган болаларга ҳавас билан қарарди. Қани энди тезроқ улғайса-ю, маҳалла болалари қаторида мактабга борса... Юғурик йиллар кўз юмгунча ўтиб кетди. Зехни ўткир, ҳаракатчан Таваккал ўрта мактабнинг аълочи ўқувчилари қаторидан жой олди. Қийинчилик даврлар, ҳамма тирикчилик билан овора. Укалари ёш бўлгани боис, уйдаги мол-қўйларни боқиш Таваккалнинг зиммасида эди. Ана шундай кунларнинг бирида мактабда бадний ҳаваскорлик тўғраги очилиб, уни созанда Гофиржон Ҳошимов бошқара бошладди.

Таваккал кечқурунлари отасига чойхона юмушларига қарашарди. Бу ерда қишлоқнинг созанда-хонандалари тўпланиб, турли концерт, аския, ўйин-кулги кечалари ўтказиш одадга айланганди. Ёш Таваккал давраларда ижро этилган ҳар бир куй, қўшиққа ҳамоҳанг бўлишга ҳаракат қиларди. Қўшиқларнинг авжи палласида кўлидаги чойнакни ҳам унутиб, бир дам тўхтаб, куй, қўшиқ сеҳрига чўмарди. Саккиз-тўққиз яшар боланинг синчков нигоҳлари, ёниб турган кўзларини кўрган Гофир ака уни имлаб ёнига чақирди.

— Қўшиқ айтишга қизиқасанми? Қўлингда чойнақ-у, хаёлинг биз билан. Ис-тасанг, эртага мактабдаги ҳаваскорлар

тўғарагига бор. Соз чалиш, қўшиқ куйлашни ҳам ўрганиб оласан.

Шу сабаб бўлиб Таваккал мактаб бадний ҳаваскорлар тўғарагининг фаол аъзосига айланди. Бу ерда мусиқа асбобларини ушлаш, сошлаш, бармоқлари билан қандай бошқаришни ўрганди. Кичик жуссали болаканинг танбур ва дуторга қўли етмагани сабабли устозлар унга дастлаб доира чалиш усулларини ўргатишди. Машғулотларга ҳаммадан олдин киришган Таваккал доира усули билан мумтоз қўшиқлар ижросига берилиб кетганидан устозлари келганини ҳам сезмай бўлади.

— Тортинмай куйла, мен скрипка билан жўр бўламан, — деди Гофур ака. Таваккал Фузулий ғазали билан айтиладиган “Дутоҳи Ҳусаний” ашуласини секин хиргойсифат бошлаб, ўрта пардада секин-аста авж пардага кўтарилди. Ёш ижрочининг дўриллаб ороқ бошлаган овози ўрта пардада етганда бир оз силлиқлашди, авжига кўтарилиганда эса ингичкароқ бўлиб ўзига ҳо жозиба билан жангладди. Скрипкада жўр бўлиб, қўшиқни

Таваккал мусиқа тўғарагига қатнаб юрганига унчалик рўйхушлик бермай, Тўтиби холага “Уруғимизда ногорачи бормиди, нима қилади чилдирма чалиб. Мен ўғлим ўқиб, келажакда одамлар оғирини енгил қиладиган киши бўлиб ўсишини орзу қиламан”, дерди. Бугунги даврада ўғлининг ширали овозда айтган қўшиқларини тинглаб, ич-ичидан гурурланди.

— Майли, бўладиган бўлсанг чин маънодаги санъаткор бўл, устозлар измидан чиқмай, ҳаммиса эл ардоғида бўлгин, — дея оқ фотиҳа берди...

Қўшиқ, куй илмига ташналик ёш ҳофизи Фарғона санъат билим юрти сари етаклади. У ўша даврларда халқимизга яхшигина танилиб қолганди. Шу боис, вилоят ўзбек театрига ишга таклиф қилиниб, 20 йил давомида шу жамоада самарали меҳнат қилди. “Бизни ташлаб”, “Фасли навбаҳор ўлди”, “Шунчамиди”, “Кеча ойдин”, “Тулгунча”, “Жамолларингдан”, “Арзимни айтдим”, “Сўзи ширин ёримдан”, “Ўзбекистоним”, “Фарғонам менинг”, “Бар мўлки дилам”, “Ўргилай” сингари ўнлаб машҳур қўшиқлари ҳануз шинавандалар қалбиди.

Устознинг ижодий кўлами жуда сермазмун бўлиб, юздан ортиқ ижроси республика телерадиокомпаниясининг олтин фондидан ўрин олган. Айниқса, 90-йилларда Абдуҳошим Исмоиловнинг ансамбли билан йиғирмадан ортиқ қўшиғини янгидан ёзди. Кўп серияли видеофильм, телефильм учун видеоасмага туширилди. 1989 йилда санъатдаги улкан хизматлари учун “Ўзбекистон халқ артисти” унвонига сазовор бўлди. Умрининг охиригача Фарғона давлат университети профессори лавозимида илмий педагогик фаолият билан шуғулланди. 1996 йил 13 апрель куни 70 ёшида бу дунёни тарк этди.

Устознинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, гоҳида муваффақият, гоҳида ҳаёт ташвишлари билан ўтган умр бекатларини тасаввур қиламиз. У қаерга бормасин, ҳалол меҳнати билан қўшиқ шинавандалари олқишларига, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

— Баракалла, шунчалик ёқимли овозинг борлигини билмаган эканман. Дугоҳни ҳам маромида ижро этдинг, лекин бу ашула сенинг ёшингга оғирлик қиладди. Ҳозирча сал енгилроқ ашулалар айтишинг керак. Устозлар куйлаётган қўшиқларни ўрганиб олавер, аммо айтишга шошилма. Овозни болалик, ўсмирлик давридан асраш керак. Айтганларимга амал қилиб, овозингни асраб борсанг, нафасинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган ёқимли бўлади.

Таваккал шу куни илк бор ҳамқишлоқлари олдида қўшиқ куйлади. Қўшиқ аввалидаги бир оз ҳаяжон аста-секин унутилди. У уста хофизлардек маромига етказиб қўшиқ ижро этди. Қўшиқ тугаганидан сўнг атрофни олқишлар, мактовлар тўтиб кетди. “Барака топ!”, “Отанга раҳмат!” деган ғитоблар янгради.

Ўғлининг ижро маҳорати мулла Қодир ака учун қутилмаган янгилик эди.

Ёз фасли мамлакатимиз маданий ҳаётида залварли янгиланиш ва ютуқлар билан бошланди. Бу жараён нафақат ижод аҳли, балки бутун жамиятимиз учун аҳамиятга молик воқеа сифатида эътироф этилди.

1 июнь куни Президентимиз маданият, санъат ва адабиёт вакиллари билан учрашди. Орадан бир кун ўтиб, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбарининг фармони эълон қилинди. Фармонда маданият, санъат, адабиёт, тасвирий санъат ва кинематография йўналишларини уйғун тарзда ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Унда белгиланган вазифалар соҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.



Камолот пиллапояси

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ – МИЛЛАТ РҲҲИЯТИ КЎЗГҮСИ

Ёш истеъдод — профессионал санъаткор

— Фармонда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш маданий, маънавий-тарбиявий вазифа сифатида талқин этилган. Шунингдек, миллий санъат брендини шакллантириш, халқроқ ҳамкорлики кенгайтириш, ўзбек санъатини жаҳон миқёсида тарғиб этиш каби долзарб



вазифалар белгилаб берилган, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси, халқ рассоми Акмал Нуриддинов. — Бу эса ёш авлод қалбиди миллий қадриятларимизга ҳурмат, тарихий меросимизга садоқат ва юксак эстетик дидини шакллантиришга хизмат қиладди. Айниқса, ижодкорларни рағбатлантириш, улар учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган механизмлар соҳа вакилларининг эркин ва самарали ижод қилиши учун мустаҳкам замин бўлади. Бадий таълимни узлуқсиз тизим сифатида ривожлантириш ҳам устувор вазифалардан. Бу орқали “ёш истеъдод — профессионал санъаткор” занжири шаклланди ва келажакда рақобатбардош ижодкорлар авлоди камол топади. Рассом ва ҳайкалтарошлар учун замонавий

устахоналар ташкил этилмоқда. Кўргазмалар кўлами кенгаймоқда. Халқроқ биенале ва арт-лойиҳаларда тасвирий ва амалий санъат соҳаси вакиллари иштироки кўпаймоқда. Шу билан бирга, миллий рассомчилик мактабларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврга қиёслаганда, соҳа ижодкорлари йил сайин катта имтиёзларга эга бўлаётир. Тасвирий санъатга эътибор тўғрисида катта силкиш рўй бермоқда. Ўзбек рассомларининг халқроқ кўргазмалардаги иштироки ошмоқда. Шу йил май ойида Андижоннинг Бобур шаҳрида ташкил қилинган биринчи Рассомлар фестивали санъатимиз кундалигида бутунлай янги саҳифа очиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони ёш ижодкорларнинг истеъдодини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва бадий тафаккурини теранлаштиришга хизмат қиладди. Чунки бадий таълимнинг узлуқсизлигини таъминлаш, мактабдан олий таълимгача бўлган занжирни мустаҳкамлаш орқалигина ёшлар салоҳияти тўлиқ намоён бўлади. Шу жараёнда ёшларга тажрибали педагогларнинг билими, тажрибаси ва сабоғи жуда асқатади. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчиси Ҳикматулла Файзуллаев кўп йилдан буюн рассомлик ва наққошлик йўналишида таълим бериб келаётир. Жорий йилда у “Ўзбекистон



миллатнинг маданий нуфузини белгилайди, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Ҳикматулла Файзуллаев. — Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга доир фармонда ижодий устахоналар ташкил этиш, ёш рассомларни

қўллаб-қувватлаш, уларнинг кўргазмаларини мунтазам ўтказиш каби вазифалар белгилангани истеъдодли авлоднинг камол топишига хизмат қиладди. Халқроқ ҳамкорлики кенгайтиришга қаратилган алоҳида эътибор эса миллий санъатимизни глобал брендга айлантириш имкониятини кенгайтиради. Таълим тизимига жиддий эътибор қаратилгани, қобилиятли ёшларни рағбатлантириш, халқроқ танловлардаги иштирокини таъминлаш каби масалалар ёш ижодкорлар учун катта имкониятдир. Кўп йиллик меҳнатларим натижасини кўриб турибман. Бу юксак мукофот зиммамга катта масъулият юклайди. Бундан буюн ҳам ижодимни янгича мазмун ва шаклларида намоён этиш, ёшлар камолотига ҳисса қўишини олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Ҳа, маданият, санъат ва адабиёт аҳли эркин ижод қилган жамиятадагина маънавий юксалиш таъминланади. Бу борада ижодкорларга бўлган эътиборни кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳар доимгидан-да муҳим.

Гуличехра ДУРДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири